O'zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati Jomboy tuman H O K I M I Q A R O R I		РЕШЕНИЕ ХОКИМА Джамбайского района Самаркандской области Республики Узбекистан

2020 yil «18» сентябр № 751-К Jomboy t.

Тумандаги «Тепаовул зар замини» фермер хўжалигига қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 53-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига асосан ер участкаларини бериш (реализация килиш) комиссиясининг ва туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосаси, Халқ депутатлари туман Кенгашининг баёнига асосан "Тепаовул зар замини" фермер хўжалиги раиси Рахманова Муборанинг фермер хўжалигига қўшимча ер ажратиш тўғрисидаги аризасини ва тақдим этилган бошқа хужжатларини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Жомбой туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосаларига асосан «Тепаовул зар замини» фермер хўжалигига туман ҳокимлиги ихтиёридаги (Хитойпаён зар замини фермер хўжаликларидан қайтариб олинган) Оқ олтин массивидаги 37қ-контурдаги жами 9,7 гектар, шундан сувли экин ери 8,6 гектар, йўллар 0,3 гектар, кана ва коллекторлар 0,6 гектар ва бошқа ерлар 0,2 гектар ер майдонлари ижарага қўшимча равишда ажратилсин.

2. «Тепаовул зар замини» фермер хўжалигининг умумий ер майдони 118, 130, 128, 108, 117, 117а, 118а, 125, 129, 134, 102, 101, 141, 132, 131, 37қ-контурлардаги жами 48,2 гектар, шундан сувли экин ери 41,9 гектар, тутзор 2,3 гектар, яйлов 0,5 гектар, йўллар 0,4 гектар, канал ва коллекторлар 2,9 гектар ва бошқа ерлар 0,2 гектар этиб белгилансин.

3. Туман ҳокимининг 11.05.2018 йилдаги 833-Қ сонли қарори билан "ТАП Жомбой агро пилла" МЧЖга тут майдонлари ўтказилганлиги муносабати ушбу мазкур қарорнинг 2-бандида кўрсатилган тут майдонларини асралиши ва ҳимояланиши мақсадида ушбу қарорда тут майдонлари курсатилганлиги қайд этилсин.

5. "Тепаовул зар замини" фермер хўжалиги раиси Рахманова Муборага туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасидаги ер ижара шартномасини ғалла,сабзавот,чорва (куп тармоқли) ихтисослигида расмийлаштириш бўйича туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига 3 кун муддат ичида мурожаат қилиш ва рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.

5. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ж.Турсунов)га фермер хўжалигига ер ажратиб бериш ва уни фаолиятини, ажратилган ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланишини назорат қилиб бориш ва ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини 44 йил муддатга қайта расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

6. Жомбой туман "Давлат хизматлари" маркази директори (Р.Рахматов)га фермер хўжалигини конунда белгиланган тартибда ғалла,сабзавот,чорва (куп тармоқли) ихтисослиги бўйича қайта рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.

7. «Тепаовул зар замини» ғалла,сабзавот,чорва (куп тармоқли) фермер хўжалиги бошлиғига ижарага берилган ер майдони бўйича ҳамда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик махсулотлари тўғрисида ҳисобот туман статистика бўлимига ҳамда тегишли ташкилотларга бериб бориш вазифаси топширилсин.

8. Туман Давлат солиқ инспекциясига «Тепаовул зар замини» фермер хўжалигига қўшимча равишда ер ажратилиши муносабати билан ер солиғи ва бошқа тегишли солиқларни ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган ер майдонлари буйича ҳисоб-китоб килиш вазифаси топширилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддаси 6-бандига асосан белгилангандан бошқа мақсадларда (ноқонуний хар қандай қурилишлар қурилганда ва бошка кўп йиллик дарахтзорлар барпо этганда) фойдаланилганда ва 7-бандига асосан ер участкасининг ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлганда ушбу карор ўз кучини йўқотиши ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор бўлиши ва давлатга келтирилган зарар ердан фойдаланувчидан ўндирилиши тўғрисида фермер хўжалиги раиси Рахманова Мубора ушбу карор билан огохлантирилган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат килиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Икромов зиммасига юклатилсин.

DEVONXONA